ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата УзССР
27 АВГ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 160 (21. 027) 1991 йил 20 август, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

СОВЕТ ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМА

Ватандошлар! Совет Иттифоқи фуқаролари!

Ватан ва халқларимиз тақдири учун оғир, қалтис пайтда сизларга мурожаат этяпмиз! Буюк Ватанимиз узра ҳалокат хавфи пайдо бўлди! М. С. Горбачевнинг ташаббуси билан бошланган ҳамда мамлакатни жўшқин ривожлантиришни, ижтимоий турмушни демократиялашни таъминлаш воситаси бўлади, деб ўйланган ислоҳотлар снёсати бир қанча сабабларга кўра мушкул аҳволга тушиб қолди. Аввалбошдаги завқ-шавқ ва умидлар ўрнига ишончсизлик, лоқайдлик ва ҳафсалапирлик келди. Барча поғоналардаги ҳокимият аҳолининг ишончидан маҳрум бўлди. Сиёсатбозлик Ватан ва фуқаро тақдири тўғрисидаги ғамхўрликни ижтимоий турмушдан қисиб чиқарди. Давлатнинг барча тартиб-қоидаларини ғазаб билан таҳқирлаш бошланди. Аслида мамлакат бошқариб бўлмайдиган ҳолга келиб қолди.

Бериб қўйилган эркинликлардан фойдаланиб, эндигина пайдо бўлган демократия куртакларини поймол этиб, экстремист кучлар майдонга чиқдилар ва Совет Иттифоқини тугатиш, давлатни барбод қилиш ва қандай қилиб бўлмасин ҳокимиятни қўлга олиш йўлини бошладилар. Ватан бирлиги тўғрисидаги умуммиллий референдум натижалари оёқости қилинди. Миллий туйғулар ҳақидаги сурбетларча тилёғламалик ғаразлик манфаатларни қондириш учун ниқобдан бошқа нарса эмас. Ўз халқларининг бугунги кулфатлари ҳам, уларнинг эртанги куни ҳам снёсий авантюрачилар ни ташвишга солмаяпти. Улар маънавий-снёсий бедодлик вазиятини вужудга келтириб ва халқ ишончини қалқон қилиб олишга уриниб, улар қоралаётган ва узиб ташлаётган алоқалар тарих томонидан кўп асрлар давомида синаб кўрилган ва халқнинг кенг мадади асосида ўрнатилган эди. Ҳозир, аслида конституциявий тузумни ағдариб ташлашга интилаётган кимсалар миллатлараро можароларнинг кўп юзлаб қурбонлари ҳалокати учун уларнинг оналари ва оталари олдида жавоб беришлари керак. Ярим миллиондан ортиқ қочоқларнинг мажруҳ бўлган тақдирлари уларнинг виждонига ҳавола. Уларнинг дастидан ўн миллионлаб совет кишилари ором ва қувончдан маҳрум бўлдилар. Кечагина ягона оила бўлиб яшаб турган бу кишилар бугун ўз юртларида радди маърака бўлиб қолдилар.

Ижтимоий тузум қандай бўлишини халқнинг ўзи ҳал қилиши керак. Ҳолбуки, уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилишга уринмоқдалар.

Ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг хавфсизлиги ҳамда эсон-омонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш ўрнига ҳокимиятни қўлга киритиб олган кишилар баъзан ҳокимиятдан халққа ёт манфаатлар йўлида, принципсизларча ўзини ўзи қарор топтириш воситаси сифатида фойдаланмоқдалар. Сафсатабозликлар, тоғ-тоғ баёнотлар ва ваъдалар амалий ишларнинг ночорлиги ва заифлигинигна таъкидлаб турибди. Ҳокимиятнинг қадрсизланиши бошқа ҳар қандай қадрсизланишдан ҳам даҳшатлироқ равишда давлатимизни, жамиятимизни вайрон қилмоқда. Ҳар бир фуқаро эртаги кундан тобора кўпроқ умидсизланиб, ўз фарзандларининг келажаги учун жуда ташвишга тушмоқда.

Ҳокимиятнинг танглиги иқтисодиётга фалокатли равишда таъсир қилди. Бозор муносабатлари сари тартибсизлик билан стихияли равишда силжиб бориш маҳаллий, идоравий, гуруҳ ва шахсий худбинликни ҳаддан ошириб юборди. Қонунлар уруши ва марказдан қочирма тамойилларнинг рағбатлантирилиши неча ўн йиллар давомида таркиб топган яхлит халқ хўжалик механизмининг вайрон бўлишига олиб келди. Шунинг натижасида совет кишилари аксариятининг турмуш даражаси кескин пасая бошлади, чайқовчилик ва пинхона иқтисодиёт авжига чиқди. Одамларга ҳақиқатни аллақачон айтиш керак эди: агар иқтисодиётни барқарорлаштириш юзасидан зудлик билан қатъий чора-тадбирлар кўрилмас экан, жуда яқин вақт ичида очарчилик ва баттар қашшоқланиш бошланиши муқаррар, бундан вайронгарчилик оқибатларига олиб борадиган стихияли норозиликнинг оммавий кўринишларигача бир қадамдир. Фақат масъулиятсиз кишиларгина чет эллардан бериладиган қандайдир ёрдамга кўз тутишлари мумкин. Ҳеч қандай садақалар бизнинг муаммоларимизни ҳал этмайди, нажотимиз ўз қўлларимиздадир. Ҳар бир кишининг ёки ташкилотнинг обрў-эътиборини халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга қўшган ҳақиқий ҳиссаси билан ўлчаш вақти келди.

Узоқ йиллардан бери биз ҳар томондан шахс манфаатларига содиқлик, унинг ҳуқуқларига, ижтимоий ҳимояланишига ғамхўрлик тўғрисидаги ваъдаларни эшитиб келяпмиз. Амалда эса инсон хорланди, унинг ҳақиқий ҳуқуқлари ва имкониятлари камситилиб, ночор аҳволга солиб қўйилди. Халқнинг хоҳиш-иродаси билан вужудга келтирилган барча демократик тартиб-қоидалар кўз ўнгимизда ўз салмоғи ва самарадорлигини йўқотмоқда. Бу СССРнинг Асосий қонунини қўпол оёқости қилиб, ҳақиқатда ғайриконституциявий тўнтаришни амалга ошираётган ва чексиз шахсий диктатурага интилаётган кимсаларнинг аниқ мақсадни кўзлаб қилаётган ҳаракатлари натижасидир. Префектуралар, мэриялар ва ғайриқонуний бошқа тузилмалар тобора очиқдан-очиқ йўл билан халқ сайлаган Советларнинг ўрнини олмоқда.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқларига ҳужум қилинмоқда. Меҳнат қилиш, илм олиш, соғлиқни сақлаш, уй-жойли бўлиш, дам олиш ҳуқуқлари тахлика остига қўйилди.

Ҳатто одамларнинг энг оддий шахсий хавфсизлиги ҳам тобора кўпроқ таҳлика остида қолмоқда. Жиноятчилик тез кучайиб, ташкилий ва снёсий тус олмоқда. Мамлакат зўравонлик ва бедодлик гирдобига ғарқ бўлмоқда. Келажак авлодларнинг сиҳат-саломатлиги ва ҳаётини хавф остига қўядиган зино ва зўрликни тарғиб қилиш мамлакат тарихида ҳеч қачон бу қадар кенг тус олмаган эди. Миллионлаб кишилар жиноятчилик ва даҳшатли ахлоқсизлик балосига қарши чора кўрилишини талаб қилмоқдалар.

Совет Иттифоқидаги снёсий ва иқтисодий вазиятнинг чуқурлашиб бораётган беқарорлиги бизнинг дунёдаги мавқеимизга путур етказмоқда. Баъзи жойларда қасос олиш оҳанглари эшитилиб қолди. Чегараларимизни қайта кўриб чиқиш ҳақида талаблар қўйилмоқда. Ҳатто Совет Иттифоқини парчалаб юбориш тўғрисидаги ва мамлакатнинг айрим иншоотлари ҳамда районлари устидан халқаро васийлик ўрнатиш эҳтимоли ҳақидаги овозлар эшитилмоқда. Аччиқ ҳақиқат мана шундан иборат. Кечагина чет элга борган совет кишиси ўзини нуфузли ва ҳурматли давлатнинг муносиб фуқароси деб ҳис қилар эди. Ҳозир у кўпинча иккинчи нав чет эллик бўлиб қолди. Унга менсимай ёки ачиниш руҳида муомала қилмоқдалар.

Совет кишисининг ифтихори ва шон-шарафи тўла ҳажмда тикланиши керак.

СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети мамлакатимиз бошига тушган тангликни тўла-тўкис англаб турибди, у Ватан тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олади ҳамда давлатни ва жамиятни тангликдан тезроқ чиқариб олиш учун жуда жиддий чора-тадбирлар кўришга азму қарор берган.

Биз янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасини кенг умумхалқ муҳокамасига қўйишни ваъда қиламиз. Ҳар бир киши бу жуда муҳим ҳужжатни осойишта вазиятда идрок этиб, бу ҳақда бир тўхтамга келиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлади, чунки улуғ Ватанимиз кўп сонли халқларининг тақдири Иттифоқнинг қандай бўлишига боғлиқдир.

Биз қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибни дарҳол тиклаш, қон тўкилишига чек қўйиш, жиноятчиликка шафқатсиз уруш эълон қилиш, жамиятимизни обрўсизлантирадиган ва совет фуқароларини камситадиган шармандали ҳолатларни қўпориб ташлаш ниятидамиз. Биз шаҳарларимизнинг кўчаларини жиноятчи унсурлардан тозалаймиз, халқ мулкини талонторож қилувчиларнинг ўзбошимчалигига чек қўямиз.

Биз чинакам демократик жараёнлар учун, Ватанимизни янгилашга, унинг иқтисодий ва ижтимоий равнақига олиб борадиган ва унинг миллатлар жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олишга имкон берадиган изчил ислоҳотлар снёсати учун курашамиз.

Мамлакатнинг тараққиёти аҳолининг турмуш даражасини пасайиши асосига қурилмаслиги керак. Соғлом жамиятда барча фуқароларнинг фаровонлиги доимо ошиб борниш одат тусига киради.

Биз шахс ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги ғамхўрликни бўшаштирмай бутун диққат-эътиборни аҳолининг жуда кенг табақалари манфаатларини, пулнинг қадрсизланиши, ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши, порахўрлик ва жиноятчилик оқибатида энг кўп зарбага учраган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратамиз.

Биз халқ хўжалигининг кўп шаклли тусини ривожлантира бориб, хусусий ишбилармонликни ҳам қўллаб-қувватлаймиз ва ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат соҳасини ривожлантириш учун унга зарур имкониятларни берамиз.

Озиқ-овқат ва уй-жой муаммоларини ҳал этиш биринчи галдаги ишимиз бўлади. Жамики мавжуд кучлар халқнинг мана шу энг зарур эҳтиёжларини қондиришга сафарбар этилади.

Биз ишчиларни, деҳқонларни, меҳнаткаш зиёлиларни, барча совет кишиларини жуда қисқа муддатда меҳнат интизоми ва тартибни тиклашга, ишлаб чиқариш даражасини кўтаришга, сўнгра қатъият билан олға ҳаракат қилишга чақирамиз. Бизнинг ҳаётимиз, фарзандларимиз ва набираларимизнинг келажаги, Ватан тақдири шунга боғлиқ.

Биз тинчликсевар мамлакатмиз ва ўз зиммамизга олган ҳамма мажбуриятларга оғишмай риоя этаверамиз. Бизнинг ҳеч кимга ҳеч қандай даъволаримиз йўқ. Биз ҳамма билан тинчлик ва дўстликда яшашни хоҳлаймиз. Аммо биз шуни қатъий қилиб билдирамизки, бизнинг суверенитетимиз, мустақиллигимиз ва ҳудудий яхлитлигимизга ҳеч кимнинг қасд қилишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Бизнинг мамлакатимиз билан ким бўлмасин буйруқбозлик тилида гаплашиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг пайи қатъиян қирқилади.

Кўп миллатли халқимиз асрлар бўйи ўз Ватани учун фахрланиб яшаб келди. Биз ўз ватанпарварлик туйғуларимиздан уялмаганмиз ва улуғ давлатимизнинг ҳозирги ҳамда келажак авлодларини шу руҳда ўстиришни табиий қонуний деб ҳисоблаймиз.

Ватан учун мана шу қалтис пайтда фаолиятсиз туриш — нима билан тугашини айтиб бўлмайдиган фожиали оқибатлар учун оғир масъулиятни зиммага олиш, демакдир. Ватанимизни азиз билувчи, осойишталик ва ишонч вазиятида яшаб, меҳнат қилмоқчи бўлган, қонли миллатлараро можаролар давом этишини хоҳламайдиган, келгусида ўз Ватани мустақил бўлиб, равнақ топишини истайдиган ҳар бир киши бирдан-бир тўғри йўлни танлаб олиши лозим. Биз барча чин ватанпарварларни, холис ниятли кишиларни ҳозирги нотинч даврга чек қўйишга чақирамиз.

Совет Иттифоқининг барча фуқароларини Ватан олдидаги ўз бурчини англаб олишга ва СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетини, мамлакатни тангликдан қутқариш соҳасидаги куч-ғайратларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Ижтимоий-снёсий ташкилотларнинг, меҳнат жамоаларининг ва фуқароларнинг амалий таклифлари уларнинг қардош халқларнинг ягона оиласидаги асрий дўстликни тиклашда ва Ватаннинг қаддини тиклашда фаол қатнашишда ватанпарварларча тайёрлик ифодаси деб миннатдорчилик билан қабул этилади.

СССРДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

1991 йил 18 август.

ВАТАНГА ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

ДЕҲЛИ. 19 август. Палам аэропорти. Бугун бу ерда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовни кузатиш маросими бўлди. У Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан дўст мамлакатда меҳмон бўлди. Ўзбекистон ССР Президентини Ҳиндистон ташқи ишлар вазири М. Соланки билан ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари М. Дубей, Ҳиндистоннинг Тошкентдаги бош консули Ашок Мукержи, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу билан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига қилган сафарининг расмий қисми тугади.

Ўзбекистон ССР Президенти Ҳиндистоннинг қадимий шаҳарларидан бири Аграда тўхтаб ўтди.

Тушдан сўнг Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов раҳбарлигидаги делегация Аградан Тошкентга учиб кетди.

* * *

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Ҳиндистон Республикасига расмий дўстона ташрифини тугаллаб, 19 август куни Тошкентга қайтиб келди.

Аэропортда делегацияни Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Ҳиндистоннинг Тошкентдаги бош консули вазифасининг ижро этувчи Говинд Г. Кулькарни бор эди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

ДЕҲЛИ, 17 август. **(ТАСС мухбири Михаил Капустин).** Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг вице-президенти Шанкар Дайял Шарманинг таклифига биноан бугун бу ерга расмий ташриф буюрди. Палам аэропортида уни Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Мадхавсинх Соланки, ташқи ишлар вазирлигининг ташқи ишлар бўйича котиби Мукчкунд Дубей, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси В. Ф. Исаков, шунингдек Ҳиндистоннинг Тошкентдаги бош консули А. Мукержи бор эдилар.

Ўзбекистон Президенти матбуот учун берган баёнотида Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларини узоқ йиллардан буён дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб турганлигини таъкидлади. Айни вақтда бу Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг СССРдан ташқарига буюрган биринчи мустақил ташрифидир. «Бу бежиз эмас. Бизнинг Ҳиндистонга келишимиз аввало ўзбек халқининг қадимги маърифатга, кўп асрлик тарихга ва жуда бой маданиятга эга бўлган ҳинд халқига улкан эҳтиромининг намоён бўлишини билдиради, — деб таъкидлади Ислом Каримов. — Ўзбек халқи ўзининг буюк қўшниси билан янада мустаҳкам алоқалар ўрнатишга интилмоқда. Тарихимиз муштараклиги, маданиятимизнинг яқинлиги, халқларимизнинг кўп асрлик алоқалари шундай мустаҳкам пойдеворки, унда биз Ҳиндистон Республикаси билан Ўзбекистон - Республикаси ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни қуришимиз мумкин. Айни вақтда мен шу нарсани таъкидламоқчиманки, икки республика ўртасидаги бевосита алоқалар кўп қиррали Совет—Ҳиндистон муносабатлари доирасида олиб борилмоқда».

«Бизнинг Ҳиндистонга ташрифимиз, аввало Совет Иттифоқида ва бутун жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларнинг ифодасидир,— деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти. — Бу СССРдаги жўшқин қайта қуриш жараёнларининг натижасидир». Ислом Каримов Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ таркибида барча манфаатдор томонлар билан тенг ҳуқуқли дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига интилаётганини таъкидлаб, унинг Ҳиндистонга ҳозирги ташрифи, шу мамлакат раҳбарлари, шунингдек жамоатчилик ва савдо-саноат доиралари вакиллари билан бўлажак учрашувлар кўп томонлама Совет—Ҳиндистон муносабатлари доирасида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сифат жиҳатдан янги муносабатларни ўрнатиш учун янги омил бўлиб хизмат қилади, деб умид билдирди.

* * *

ДЕҲЛИ, 17 август. **(ТАСС мухбирлари Борис Зайцев ва Михаил Капустин).** Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг расмий ташриф билан Ҳиндистон диёрида бўлишининг биринчи куни воқеаларга бой бўлди. Бугун куннинг биринчи ярмида Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистон Бош вазири П. В. Нарасимха Рао ва Ҳиндистон вице-президенти Шанкар Дайял Шарма билан учрашувлари ва суҳбатлари бўлиб ўтди. Самимий дўстона вазиятда ўтган учрашувлар чоғида томонлар, жумладан Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш муддаосини таъкидладилар. Икки халқнинг дўстлик ришталари, тарихий ва маданий муштараклиги, ўзаро муносабатлари илдизлари қадим асрларга бориб тақалиши СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги сифат жиҳатдан янги муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади, деб таъкидланди.

Томонлар бугун икки ҳужжат: иқтисодий, савдо ва илмий-техника ҳамкорлигига доир битимни, шунингдек маданият, санъат, таълим, илм-фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик юзасидан битимни имзоладилар.

Тузилган битимларнинг аҳамияти ва моҳияти уларнинг аниқ мазмунидан анча четга чиқади, халқаро майдондаги мустаҳкам ҳамжиҳатликнинг турли соҳаларида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янги мазмун билан бойитади, деди Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ҳужжатларни имзолаш маросимида. Бугун Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги бевосита икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг янги босқичига асос солинди, халқларимиз иқтисодий ва ақл-зиё салоҳиятини бирлаштириш учун пойдевор қўйилди.

Булар фақат савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни кенгайтиришгагина хизмат қилиб қолмай, шу билан бирга бу ишда ёриб ўтиш, ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш имкониятини таъминлайди, деб умид қиламиз, деди И. А. Каримов.

Битимларда барқарор ва узоқ муддатли негизда барча даражалардаги иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик қилишга ёрдам бериш ва бу ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар мажмуи белгиланган. Жумладан, майда ва ўрта қўшма корхоналар ҳамда ишлаб чиқариш кооперациясида худди шундай корхоналар барпо этиш кўзда тутилади. Томонлар биринчи галда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эътибор беришга қарор қилдилар.

Савдо-саноат алоқаларини ривожлантириш учун Ҳиндистон билан Ўзбекистон биргаликда ёйма бозорлар ўтказади, делегациялар ва ахборотларни айирбошлайди. Иқтисодиёт ва бошқарув, банк иши, савдо, саноат ишлаб чиқариши ва халқаро ҳуқуқ соҳаларида ходимлар тайёрлашга биринчи даражали эътибор берилмоқда.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон техник лойиҳаларни ишлаб чиқишни, илмий-тадқиқотларни ва муҳандислик ишланмаларини, илмий-техника ахборотларини айирбошлашни, шунингдек Ўзбекистонда қўшма корхоналар барпо этишни икки томонлама ҳамкорликнинг энг истиқболли шакллари сифатида белгиладилар.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон томонлари дўстлик ва маданият, санъат, таълим, илм-фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қарор қилдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бугун Ҳиндистон халқи миллий-озодлик ҳаракати раҳбари Махатма Ганди жасади қуйдирилган жой — «Ражгхат»да бўлди, Ражив Ганди жасади қуйдирилган «Шактистхал» пойига гулчамбарлар қўйиш маросимида иштирок этди.

* * *

ДЕҲЛИ. 17 август. **(ТАСС мухбирлари Борис Зайцев ва Михаил Капустин).**

Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ҳар томонлама самарали алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга интилмоқдалар. Ҳиндистон вице-президенти Шанкар Дайял Шарма бу ерга расмий ташриф буюрган Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов шарафига берилган зиёфатда шундай деди. Шанкар Дайял Шарма Ўзбекистон Президенти айни Ҳиндистонга биринчи расмий ташриф буюришга қарор берганлигини баҳолаб, И. А. Каримов ташрифи тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Ҳиндистон шартномаси 20 йиллиги билан бир вақтга тўғри келганини уқтириб

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ РАҲБАРИЯТИНИНГ БАЁНОТИ

Михаил Сергеевич Горбачев саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли СССР Президенти вазифаларини ижро этиш имконияти йўқлиги ва СССР Конституциясининг 127[7]-моддасига биноан ССР Иттифоқи Президенти ваколатлари СССР вице-президенти Геннадий Иванович Янаевга ўтказилганлиги муносабати билан;

Совет Иттифоқи фуқароларининг ҳаёти ва хавфсизлигига, Ватанимизнинг суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига, эркинлиги ва мустақиллигига хавф солаётган чуқур ва кенг қамровли тангликни, снёсий, миллатлараро ва фуқаролар муҳолифлигини, тартибсизлик ва бошбошдоқликни бартараф этиш мақсадида;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги умумхалқ референдумининг натижаларига асосланиб;

Ватанимиз халқларининг, барча совет кишиларининг ҳаётий муҳим манфаатларига амал қилиб,

қуйидагиларни билдирамиз:

1. СССР Конституциясининг 127[3]-моддасига ва «Фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунининг 2-моддасига биноан ҳамда кенг аҳоли табақаларининг жамият умуммиллий фалокати сари тойиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан жуда кескин чоралар кўриш, қонунийлик ва тартибни таъминлаш зарурлиги ҳақидаги талабларини бажо этиб, СССРнинг айрим жойларида 1991 йил 19 август Москва вақти билан соат 4 дан бошлаб 6 ой муддатга Фавқулодда ҳолат жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, бутун СССР ҳудудида СССР Конституцияси ва ССР Иттифоқи қонунлари ҳеч сўзсиз устунлик қилади.

3. Мамлакатни идора қилиш ва фавқулодда ҳолат тартибини самарали амалга ошириш учун қуйидаги таркибда СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети тузилсин: О. Д. Бакланов — СССР Мудофаа кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, В. А. Крючков — СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси, В. С. Павлов — СССР Бош вазири, Б. К. Пуго — СССР ички ишлар вазири, В. А. Стародубцев — СССР деҳқонлар уюшмаси раиси, А. И. Тизяков — СССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа давлат корхоналари ҳамда иншоотлари уюшмасининг президенти, Д. Т. Язов — СССР мудофаа вазири, Г. И. Янаев — СССР Президенти вазифасини ижро этувчи.

4. Белгилаб қўйилсинки, СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг қарорлари ССР Иттифоқининг бутун ҳудудида жамики ҳокимият ва бошқарув идораларининг, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг оғишмай ижро этиши учун мажбурийдир.

Г. ЯНАЕВ
В. ПАВЛОВ
О. БАКЛАНОВ.

1991 йил 18 август.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисидаги қарор СССР Олий Кенгашининг тасдиғига киритилиши муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 26 август куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 19 август.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ ИЖРО ЭТУВЧИНИНГ ФАРМОНИ

МОСКВА ШАҲРИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг 1991 йил 19 августдаги 1-сон қарорини бажармаслик, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш йўлидаги уринишлар, тартибсизлик чиқаришга гижгижлаш фактлари сабабли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг пойтахти — Москва шаҳридаги вазият кескинлашганлиги муносабати билан, фуқароларни ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб СССР Конституциясининг 127 (3) моддасига биноан қарор қиламан:

1. 1991 йилнинг 19 августидан эътиборан Москва шаҳрида фавқулодда ҳолат эълон қилинсин.

2. Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Н. В. Калинин Москва шаҳрининг коменданти этиб тайинланиб, унга фавқулодда ҳолат тартибини сақлаб туриш масалаларини белгилаб берадиган ва ижро этиш учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ҳуқуқи берилсин.

ССР Иттифоқи Президенти вазифасини ижро этувчи

Г. ЯНАЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 19 август.

СССРда ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ 1—СОНЛИ ҚАРОРИ

ССР Иттифоқи халқлари ва фуқароларининг ҳаётий муҳим манфаатларини, мамлакат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш, вазиятни барқарорлаштириш, жуда оғир тангликни бартараф этиш, тартибсизликка, бошбошдоқликка ва бирodаркушларча фуқаролар урушига йўл қўймаслик мақсадида СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети қарор қилади:

1. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва мухтор республикалар, ўлкалар, вилоятлар, шаҳарлар, районлар, қўрғонлар ва қишлоқлар ҳокимият ва бошқарув барча идоралари «Фавқулодда ҳолат ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги ССР Иттифоқи Қонунига ва СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг қарорларига мувофиқ фавқулодда ҳолат тартибига оғишмай риоя этилишини таъминласинлар. Бу тартибни бажа-

(Давоми иккинчи бетда).

СССР вице-президентининг ФАРМОНИ

Михаил Сергеевич Горбачев саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли ўзининг СССР Президенти вазифаларини бажариши имконияти йўқлиги муносабати билан СССР Конституциясининг 127⁷-моддаси асосида 1991 йил 19 августдан эътиборан СССР Президенти вазифасини ижро этишга киришдим.

СССР вице-президенти
Г. И. ЯНАЕВ.

1991 йил 18 август.

СССР Олий Кенгаши Раисининг баёноти

Меҳнаткашлардан менинг номимга тушган ва суверен давлатлар Иттифоқи тўғрисида уч кун муқаддам матбуотда эълон қилинган шартнома лойиҳасига ўз муносабатимни айтиш илтимос қилинган кўпдан-кўп мурожаатномалар муносабати билан қуйидагиларни айтиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман:

Шартнома лойиҳаси 1991 йил 12 июлда СССР Олий Кенгаши томонидан асосан қўллаб-қувватлангани маълум. Бунда Олий Кенгаш ваколатли Иттифоқ делегациясини тузган ҳамда шартнома лойиҳасини пухталаштириш ва келишиб олиш чоғида мамлакат олий ҳокимият органи таърифлаб берган бир қанча қоидаларга асосланиб иш тутишни топширган эди.

Аввало шартноманинг номида ва асосий қоидаларида Умумиттифоқ референдумининг натижаларини акс эттириш зарурлиги кўрсатилган эди, ўша референдум давомида мамлакатнинг мутлақ кўпчилик фуқаролари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида сақлаб қолишни қўллаб-қувватлаган эди. Иттифоқ давлатимизнинг номига ва шакли-шамойилига мана шундай ёндашув СССР халқ депутатлари съезди томонидан ҳам таърифлаб берилган эди. Мухтор делегациялар раҳбарларининг Ново-Огареводаги мажлисида СССР Олий Кенгашининг бу нуқтаи назари батафсил далиллаб берилган эди. Бироқ бу нарса шартноманинг узил-кесил матнида ўз ифодасини топмади. Бинобарин, бу масала СССР халқ депутатлари съезди томонидан ва, эҳтимолки, янги Конституция қабул этилиши муносабати билан ўтказиладиган Умумиттифоқ референдуми томонидан, шубҳасиз, қўшимча равишда муҳокама қилиниши лозимлиги табиийдир.

СССР Олий Кенгаши Иттифоқ шартномасининг лойиҳасида СССРда ягона иқтисодий макон, ягона банк тизими мавжудлигини кўзда тутиш ҳамда Иттифоқнинг федератив давлат сифатида нормал ишлаши учун зарур бўлган мулкни унга бириктириб қўйиш мақсадга мувофиқ, бўлади, деб ҳисоблаган эди. Иттифоқ бюджетига мустақил солиқ тушумларини белгилаб қўйиш талаби алоҳида писанда қилинган эди. Афсуски, мана шу энг муҳим қоидалар эълон қилинган шартнома матнида етарлича аниқ акс этмаган.

СССР Вазирлар Маҳкамасининг, СССР Давлат банки бошқарувининг, бошқа бир қанча Иттифоқ идораларининг яқинда берган баёнотлари ҳам шундан далолат беради. Бу ўринда ҳам чамаси, шартнома матнига бир талай тузатишлар киритилиши лозим бўлади.

СССР Олий Кенгаши амалда ўтакетган қонунсизликни билдирувчи «қонунлар уруши» деб аталган нарсани тўхтатишга жуда жиддий эътиборни қаратган эди. Шу муносабат билан шартномага киритиш учун республика қонунларининг ССР Иттифоқи томонидан, Иттифоқ қонунларининг эса республикалар томонидан тўхтатиб қўйилишига йўл қўймайдиган ҳамда эҳтимол тутилган баҳсларни келиштириш тартиб-қоидалари орқали ёки СССР конституциявий судининг қарорлари билан ҳал этадиган норма таклиф қилинган эди. Бу таклиф энг таниқли совет юристлари томонидан қўллаб-қувватланган бўлишига қарамай, у ҳам Ново-Огаревода тайёрланган шартнома матнида муносиб равишда акс этмади. Бу нарса мамлакатимизда барқарор ҳуқуқий системани шакллантириш учун нақадар хатарли эканини исботлашга алоҳида эҳтиёж йўқ.

Ўтиш даврида шартномани рўёбга чиқаришнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари ишида давомийликни таъминлайдиган тартиби шартномада янада анча аниқроқ белгилаб қўйилиши лозим эди. Бусиз мамлакатда вужудга келган бениҳоя оғир танглик вазиятида халқ хўжалигининг энг оз даражада бўлсада, фаолият кўрсатишини давом эттириб бўлмайди.

Менинг фикримча бу муаммоларнинг ҳаммаси СССР Олий Кенгашининг сессиясида, сўнгра, чамаси, мамлакат халқ депутатлари съездида қўшимча равишда муҳокама қилиниши лозим.

Шундай қилмай туриб, Иттифоқ шартномасидек давлатимиз тақдири учун шу қадар жуда муҳим ҳужжат совет халқининг барча миллат фуқаролари манфаатларига хизмат қилиши лозим бўлган ва бутун дунёдаги халқаро вазиятга жуда кучли таъсир ўтказадиган буюк давлат — ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги хоҳиш-иродасини тўла-тўкис ифодалай олмайди.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

1991 йил 18 август.

Давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқларига ҳамда БМТ Бош котибига мурожаат

Совет раҳбариятининг топширувига биноан маълум қиламанки, 1991 йил 19 августдан эътиборан СССР Конституциясига ва қонунларига биноан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг айрим жойларида олти ой муддатга фавқулодда ҳолат жорий қилинади. Шу даврда мамлакатдаги бутун ҳокимият тўла-тўкис СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетига топширилади.

Кўрилаётган чоралар вақтинчалик чоралардир. Бу чоралар давлат ва жамият турмушининг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш йўлидан воз кечилишини асло билдирмайди. Бу чоралар ноиложликдан кўрилаётган бўлиб, иқтисодиётни инқироздан, мамлакатни эса очарчиликдан қутқариб қолиш, СССР халқлари ва бутун дунё ҳамжамияти учун оқибатлари нима билан тугашини айтиб бўлмайдиган кенг фуқаролар можароси хавфи кучайиб боришининг олдини олишдек қаётий зарурат тақозоси билан қилинмоқда.

Фавқулодда ҳолатнинг энг муҳим мақсади — ҳар бир фуқаронинг шахсий ва миллий хавфсизлигига кафолат берадиган шароитни таъминлашдан иборат. СССРнинг бир қанча минтақаларида маънавий ва жисмонан бедодлик уруғларини сочаётган ва бузғунчилик жараёнларини кучайтираётган ғайриконституциявий, назоратсиз, аслида жиноий тузилмаларни тугатиш кўзда тутилади.

Кўриладиган чора-тадбирларнинг бутун мажмуи СССРдаги аҳволни тезроқ барқарорлаштиришга, ижтимоий-иқтисодий турмушни нормалаштиришга, зарур ўзгартишларни амалга оширишга ва мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган.

Бундан бошқача йўл муҳолифликни, зўравонликни кучайтиришга, халқларимизга беҳисоб азоб-уқубатлар солишга ва халқаро хавфсизлик нуқтаи назаридан хатарли кескинлик ўчоғини вужудга келтиришга олиб борган бўлур эди.

Фавқулодда тусдаги вақтинчалик чоралар Совет Иттифоқининг амалдаги шартномалар ва битимларга мувофиқ ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларига асло дахл қилмайди. СССР барча давлатлар билан ўз муносабатларини ҳамма эътироф қилган яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва бирбирининг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида бундан буён ҳам ривожлантираверишга тайёрдир.

Бизнинг ҳозирги қийинчиликларимиз ўткинчи тусда бўлиб, Совет Иттифоқининг тинчликни сақлашга ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссаси аввалгидек салмоқли бўлаверишига аминмиз. СССР раҳбарияти мувақкат фавқулодда чораларни халқлар ва ҳукуматлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муносиб равишда тушуниб қабул этади, деб умид қилади.

СССР Президенти вазифасини бажарувчи
Г. ЯНАЕВ.

1991 йил 18 август.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ўтди. СССР билан Ҳиндистон шартноманинг амал қилиш муддатини яна 20 йилга узайтиришга қарор қилганликлари ва бу шартнома Совет Иттифоқи билан, унинг таркибига кирувчи республикалар билан алоқаларни янада ривожлантиришнинг негизи бўлиб қолиши ғоят мамнун этмоқда, деб таъкидлади вице-президент.

Шанкар Дайял Шарма Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бошқа совет республикалари билан муносабатларни ривожлантиришга йўл очади, деб умид билдирди. Шу муносабат билан вице-президент Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари қадимдан тарихий маданий алоқалар ва савдо-сотиқ қилиб келаётганликларини эслатиб ўтди.

И. А. Каримов жавоб нутқида СССР ва Ҳиндистон халқлари «Самимий ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам туйғулари билан бирлашганлар, улар ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар», деб таъкидлади. Ҳиндистон раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар Ўзбекистон халқи билан Ҳиндистон халқи ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликдан яққол далолат бериб турибди.

«Тарихий алоқалар, тилларимизнинг, маданият ва санъат соҳасидаги анъаналаримизнинг яқинлиги, ҳинд халқининг бутун туриш-турмуши — бизни яқинлаштириб, бирлаштириб турган заминдир, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти. — Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, қадим асрлардан буён халқларимиз ўртасида мавжуд бўлиб келган дўстлик ришталари замон синовидан ўтди. Ана шу тарихий ўзаро яқинлик туйғулари самарали, ҳар томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун пухта замин бўлиб хизмат қилишига аминмиз».

Ҳиндистон билан дўстлик республикамиз халқларининг қонига сингиб кетган. Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг шонли саналари мунтазам равишда нишонланмоқда. Маданият кунлари, семинарлар, кўргазмалар ўтказилмоқда, ўзаро делегациялар юборилиб турибди, деди И. А. Каримов. Ўзбекистон мактабларида ҳинди ва урду тиллари ўқитилмоқда. Республика театрларида ҳинд драматургларининг пьесалари саҳналаштирилмоқда, Ҳиндистон ёзувчилари ва олимларининг китоблари нашр этилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг жанубдаги буюк қўшнимиз — Ҳиндистон билан муносабатларни ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканини ифодалайди. Шу сабабли Ўзбекистон делегациясининг айни Ҳиндистонга ташриф буюрганлиги тасодифий эмас. Ўз ташрифимиз билан биз Ҳиндистон—Совет дўстлиги анъаналарини ҳам мустаҳкамлаймиз ва ривожлантирамиз, бундан бир неча кун муқаддам йигирма йиллиги нишонланган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг қоидалари муваффақиятли амалга оширилаётганлиги бунинг иниқосидир. Ҳиндистонга қилинган бу ташриф ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш сари янги қадам қўйиш имконини беришига аминмиз.

И. А. Каримовнинг бу ерга буюрган ташрифи биринчи кунининг бениҳоя воқеаларга бой режаси охирида Ҳиндистон вице-президенти ҳузурида зиёфат берилди. Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон Президенти Р. Венкатараман, Бош вазир П. В. Нарасимха Рао билан, шунингдек ташқи ишлар вазири Мадҳавсинх Соланка, молия вазири Манмохан Сингх билан учрашув ва суҳбатлар ўтказди.

Томонлар иккита ҳужжат: иқтисодий, савдо-сотиқ ва фан-техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни, шунингдек маданият, санъат, маориф, илм-фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалар соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан битимни имзоладилар.

Бугун Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида бевосита муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг янги босқичига асос солинди, деди Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ҳужжатларни имзолаш маросимида.

Вице-президент Шанкар Дайял Шарма шу битимларни таърифлаб, улар Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг катта салоҳиятини намоён этишга қаратилган бўлиб, айни вақтда Ҳиндистон — Совет муносабатларини мустаҳкамлайди, деб айтди.

* * *

ДЕҲЛИ, 18 август. **(ТАСС мухбири Андрей Черепахин).** Ҳиндистон савдо-саноат палаталарининг намояндалари билан суҳбатлар, Ҳиндистон пойтахти яқинида жойлашган шаҳарчадаги Нойда экспорт-ишлаб чиқариш зонасига бориш, Ҳиндистон—Совет дўстлиги жамияти вакиллари билан учрашув — Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Деҳлига буюрган уч кунлик ташрифининг иккинчи куни бой дастури шундан иборат.

Ўзбекистон ССР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари Президент И. А. Каримовнинг Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерациясига борилган ҳамда муфассал ўтказилган суҳбат чоғида томонлар Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида тузилган битимларни амалга ошириш йўллари ва усулларини муҳокама қилдилар. Битимларда барқарор ва узоқ муддатли асосда барча даражаларда иқтисодий, савдо ва илмий-техника ҳамкорлигига кўмаклашиш ҳамда уни ривожлантиришга доир тадбирлар мажмуи режалаштирилган.

Ҳиндистон бизнеси вакиллари билан шахсий суҳбатлар, деди Ҳиндистон савдо-саноат палаталарининг намояндалари билан учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, бизнинг бу ерда бўлишимизнинг асосий жиҳатларидан бири бўлди. Республикамиз билан Ҳиндистон ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида яқинда имзоланган чинакам тарихий ҳужжатлар ҳинд ишбилармонларининг Ўзбекистондаги ўз шериклари билан алоқаларни кенгайтиришга бўлган интилишлари билан мустаҳкамланиши лозим, деб таъкидлади у. Ўзбекистон ССР Президенти иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга, шунингдек маданият, санъат, таълим, илм-фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорликка доир битимни баҳолар экан, ҳозирги вақтда Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши истиқболлар мавжудлигини таъкидлади.

Учрашувда, жумладан, майда ва ўрта саноатда ҳамда ишлаб чиқариш кооперациясида қўшма корхоналар тузиш муаммоси тилга олинди. Ўзбекистон ССР Президенти ўз нутқида таъкидлаганидек, республика қўшма корхоналарга катта қулайлик яратиш ва анчагина имтиёзлар беришга тайёрдир. Ўзбекистон иқтисодиётида, деб таъкидлади И. А. Каримов, хорижий ишбилармонлар билан тенг ҳуқуқли ва самарали ҳамкорлик учун жуда катта имконият бор, у сармоячиларга сармоя қўйишнинг турли-туман соҳаларида янги даромад бериши мумкин. Ҳозир, деди Президент, Ўзбекистонда жаҳоннинг турли фирмалари билан ташкил этилган 80 дан ортиқ қўшма корхона ишлаб турибди, 18 мамлакатдаги шериклар билан яна 69 та корхона ташкил этиш нияти тўғрисида ҳужжатлар имзоланган. Ушбу йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш учун Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида катта истиқбол бор, деб уқтирди И. А. Каримов. Республикамизнинг 20 дан ортиқ заводи Ҳиндистон давлат фирмаларининг буюртмаларини бажармоқда, улар бу мамлакатга 40 тадан кўпроқ номда мол етказиб бермоқда. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташкентистильмаш», «Ташсельмаш» сингари корхоналар ҳамда бошқа кўплаб заводлар Ҳиндистон учун экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаряпти.

Ҳозирги вақтда икки томонлама ўзаро манфаатли Совет —Ҳиндистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш учун кенг истиқболлар мавжуд, деди учрашувда сўзга чиққан Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерациясининг раҳбарларидан бири Р. В. Канория.

Шу куни Ўзбекистон раҳбари Деҳли яқинидаги шаҳарчага, Нойда экспорт-ишлаб чиқариш зонасига борди. Ҳозир экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бу эркин иқтисодий зонада 4 мингтадан кўпроқ турли-туман ўрта ва кичик корхоналар ишлаб турибди. Бу бутун Осиёдаги энг йирик мажмуадир. Ўзбекистон ССР Президенти Нойдадаги қатор корхоналар иши билан танишди, маъмурият вакиллари, ишчилар билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Ҳиндистонга расмий ташрифининг иккинчи куни чоғида Ҳиндистон—Совет дўстлик жамияти вакиллари билан ҳам учрашди. У жамият фаоллари ҳузурида сўзга чиқиб, Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга ташрифи, ҳужжатларнинг имзоланиши Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга самарали таъсир ўтказибгина қолмай, айни вақтда мамлакатларимиз жамоатчилиги ўртасидаги алоқаларни ҳам анча мустаҳкамлайди, деб таъкидлади.

* * *

ДЕҲЛИ, 18 август. **(ТАСС мухбири Михаил Капустин).** Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов ўзининг Деҳлидаги расмий музокаралари якунларидан мамнуният изҳор этди. У ТАСС ҳамда СССР давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат комитетининг мухбирлари билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади: Ўзбекистоннинг чет элга тўғридан-тўғри чиқиш биринчи тажрибаси ўзининг аниқ-равшан самараларини берди. Деҳлида иккита муҳим ҳужжат: иқтисодий, савдо ва фан-техника соҳасида ҳамкорлик юзасидан битим, шунингдек маданият, санъат, таълим, илм-фан, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик юзасидан битимни имзоладилар.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон вице-президенти билан бош вазирини ўзлари учун қулай вақтда Ўзбекистонга боришга таклиф этди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди.

РАСМИЙ ТАШРИФ ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ, 18 август. **(ТАСС мухбири Борис Зайцев).** Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистонга расмий ташрифини Ҳиндистоннинг бугунги оммавий ахборот воситалари муваффақиятли деб атамоқдалар. «Хиндустан таймс», «Нэшнл геральд» ва бошқа етакчи марказий ҳамда маҳаллий рўзномалар Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Бош вазир П. В. Нарасимха Раога миллий тўн кийдириш маросими ҳақидаги фотосуратларни биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар.

Ўзбекистон билан иккита шартнома имзолаш орқали Ҳиндистон «Ўзбекистон томони билан алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш янги Иттифоқ шартномаси доирасида бошқа совет республикалари билан муносабатларни ривожлантиришга йўл очишига умид билдирди», деб таъкидлайди етакчи «Таймс оф Индиа» рўзномаси бугунги сонида.

Ҳиндистон раҳбарлари, деб таъкидлайди, «Ҳиндустан таймс» рўзномасининг мухбири, «Ўзбекистон билан неча асрлардан бери давом этиб келаётган азалий алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлашга интилмоқдалар». Сиёсий ва иқтисодий муҳит, деб уқтиради «Ҳиндустан таймс», «Чет эллар билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатиш ва мавжуд муносабатларни кенгайтириш учун имконият яратмоқда».

Ҳиндистон билан аввало истеъмол моллари ишлаб чиқариш, майда ва ўртача саноатнинг қўшма корхоналарини барпо этиш каби соҳаларда Ҳиндистон билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш мавзуи Ўзбекистон Президентининг учрашув ва суҳбатлари чоғида марказий мавзулардан бири бўлганини «Стейтсмен» рўзномаси таъкидлаб ёзмоқда. Рўзномада ёзилишича, Ўзбекистон ССР Президентининг ташрифи иккала халқ иқтисодий ва ақл-зиё имкониятларини бирга қўшишга асос солди».

Пресс траст оф Индиа (ПТИ) ахборот бошқармаси «Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликнинг яхши истиқболларини» таъкидламоқда.

Ўзбекистон ССР Президентининг ташрифи тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Ҳиндистон шартномасининг 20 йиллиги билан бир пайтга тўғри келди, деб таъкидлайди ахборот бошқармаси. СССР билан Ҳиндистон шу муҳим ҳужжатнинг амал қилиш муддатини яна йигирма йилга узайтиранликлари мамнуният туйғуларини бахш этиб, бу нарса иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга кўмаклашувини таъкидлайди, деб хулоса қилади ПТИ ахборот бошқармаси.

СССРда ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ 1-СОНЛИ ҚАРОРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ришни таъминлашга қодир бўлмаган ҳолларда тегишли ҳокимият ва бошқарув идораларининг ваколатлари тўхтатиб қўйилади, уларнинг вазифаларини амалга ошириш эса СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети махсус вакил қилган кишилар зиммасига юклатилади.

2. СССР Конституциясига ва СССР Қонунларига зид ҳаракат қилаётган ҳокимият ва бошқарув тузилмалари, ҳарбийлаштирилган тузилмалар дарҳол тарқатиб юборилсин.

3. Ҳокимият ва бошқарув идораларининг СССР Конституциясига ва СССР Қонунларига зид бўлган қонунлари ва қарорлари бундан буён ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

4. Вазиятни нормаллаштиришга ҳалақит бераётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилсин.

5. СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети вақтинча СССР Хавфсизлик Кенгаши вазифасини ўз зиммасига олиши муносабати билан шу Кенгашнинг фаолияти тўхтатиб турилади.

6. Фуқаролар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ихтиёрларида қонунга хилоф равишда турган ҳамма турдаги ўқ отиш қуроли, ўқдори, портловчи моддалар, ҳарбий техника ва анжомларни дарҳол топширсинлар. СССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети ва Мудофаа вазирлиги ушбу талаб қатъий бажарилишини таъминласинлар. Буни бажаришдан бош тортилган тақдирда улар мажбурий тартибда тортиб олиниб, бузғунчилар қатъий жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилсин.

7. СССР Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети ва Мудофаа вазирлиги жамоат тартибини ҳамда давлат, жамият ва фуқароларнинг хавфсизлигини сақлашни таъминлаш юзасидан «Фавқулодда ҳолат ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунига ва СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг қарорларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Қуролли Кучларнинг самарали ўзаро алоқасини уюштирсинлар.

Митинглар, кўча юришлари, намойишлар, шунингдек иш ташлашлар ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Зарур ҳолларда комендантлик соати жорий этилсин, ҳудудларда соқчилик қилинсин, текширув ўтказилсин, чегара ва божхона тартибини кучайтириш чоралари кўрилсин.

Энг муҳим давлат ва хўжалик иншоотлари, шунингдек ҳаёт таъминоти тизимлари назорат остига, зарур ҳолларда эса муҳофаза остига олинсин.

Гиж-гижловчи миш-мишлар тарқатилиши, ҳуқуқ-тартиботни бузишга ва миллатлараро адоватни авж олдиришга, фавқулодда ҳолат тартибига риоя этилишини таъминловчи мансабдор шахсларга итоатсизлик қилишга ундаш ҳолларининг пайи қатъиян қирқилсин.

8. Оммавий ахборот воситалари устидан назорат ўрнатилиб, бу ишни амалга ошириш СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети ҳузурида махсус тузиладиган орган зиммасига юклатилсин.

Ҳокимият ва бошқарув идоралари, муассасалар ва корхоналарнинг раҳбарлари жамият турмушининг барча чораларини кўрсинлар. Халқ хўжалиги барча тармоқлари корхоналарининг нормал ишлашини барқарорлаштириш даврида, бутун СССР ҳудудида хўжалик юритиш субъектлари ўртасида ўзаро ва тобелик бўйича алоқаларни сақлаб қолиш ва тиклаш чораларининг қатъий бажарилиши, белгиланган ишлаб чиқариш ҳажмлари, хом ашё, материаллар ва бутлаш буюмларини етказиб бериш топшириқлари бекаму-кўст бажарилиши таъминлансин.

Моддий-техника ва валюта маблағларини қаттиқ тежаш тартиби белгилансин ва унга риоя этилсин, хўжасизликка ва халқ мулкини талон-торож қилишга қарши кураш юзасидан аниқ-равшан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин.

Пинҳона иқтисодиётга қарши кескин кураш олиб борилсин, порахўрлик, ўғрилик, чайқовчилик фактлари, молларни сотишдан яшириш, хўжасизлик ва иқтисодиёт соҳасидаги бошқа ҳуқуқбузарлик фактлари юзасидан жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари муқаррар равишда қўлланилсин.

ССР Иттифоқи Қонунларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳамма турдаги ишбилармонлик фаолиятининг мамлакат иқтисодий салоҳиятига ва аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини таъминлашга ҳақиқий ҳиссасини кўпайтириш учун қулай шароит яратилсин.

10. Ҳокимият ва бошқарув тузилмаларида доимий асосда ишлашни ишбилармонлик фаолияти билан қўшиб олиб бориш мумкин эмас, деб ҳисоблансин.

11. СССР Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида озиқ-овқат ва энг зарур саноат молларининг барча мавжуд ресурсларини ҳисоб-китоб қилиб чиқиб, мамлакат ихтиёрида нималар борлигини халққа маълум қилсин, уларнинг сақланиши ва тақсимланишини жуда қаттиқ назорат остига олсин.

Озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларининг, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун керакли моддий ресурсларнинг СССР ҳудудида олиб юрилишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай чеклашлар бекор этилсин. Бундай тартибга риоя қилиниши қаттиқ назорат қилинсин.

Мактабгача тарбия болалар муассасаларининг, болалар уйлари, мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, касалхоналар, шунингдек, пенсионерлар ва ногиронлар биринчи навбатда таъминланишига алоҳида эътибор берилсин.

Бир ҳафта муддатда айрим турдаги саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг, биринчи галда болаларга аталган маҳсулотларнинг, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг ва умумий овқатланишнинг нархларини тартибга солиш, ўзгартирмай қўйиш ва камайтириш, шунингдек турли тоифа фуқароларга иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловларини ошириш тўғрисида таклифлар киритилсин.

Давлат, жамоат, кооператив ва бошқа муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг барча поғона раҳбарлари иш ҳақи миқдорини тартибга солиш тадбирлари икки ҳафта муддатда ишлаб чиқилсин.

12. Ҳосилни йиғиштириб олиш соҳасидаги аҳвол мушкуллигини ва очарчилик хавфини эътиборга олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, асраш ва қайта ишлашни ташкил этиш юзасидан шошиличч чоралар кўрилсин. Қишлоқ меҳнатчиларига техника, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва шу кабилар билан имкони борича кўпроқ ёрдам берилсин. Корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларидан, талабалар ва ҳарбий хизматчилардан ҳосилни сақлаб қолиш учун зарур миқдордаги кишиларни ҳеч кечиктирмай қишлоққа юбориш уюштирилсин.

13. СССР Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда 1991—1992 йилларда шаҳар аҳолисидан бог-полиз ишлари учун ер участкаларини олишни хоҳловчи барча кишиларни 0,15 гектаргача миқдорда ер билан таъминлашни кўзда тутадиган қарор ишлаб чиқсин.

14. СССР Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мамлакатнинг ёқилғи-энергетика мажмуини тангликдан чиқариш ва қишга тайёргарликка оид энг зарур тадбирларни режалаштиришни ниҳоясига етказсин.

15. Уй-жой қурилишини ва аҳолини уй-жой билан таъминлашни тубдан яхшилаш юзасидан 1992 йилга мўлжалланган ва амалга ошириш мумкин бўлган чора-тадбирлар бир ой муддатда тайёрланиб, халққа маълум қилинсин.

Беш йиллик муддатга мўлжалланган давлат, кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини жадал ривожлантиришнинг аниқ-равшан дастури ярим йил мобайнида ишлаб чиқилсин.

16. Марказдаги ва жойлардаги ҳокимият ҳамда бошқарув идоралари зиммасига аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларига биринчи галда эътибор бериш вазифаси юклатилсин. Бепул медицина хизмати ва халқ таълимини анча яхшилаш имкониятлари қидириб топилсин.

СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг 2-сонли қарори

МАРКАЗИЙ, МОСКВА ШАҲАР ВА ВИЛОЯТ ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЧИҚИШИ ТЎҒРИСИДА

1991 йил 19 августдан эътиборан Москвада ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бошқа баъзи ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий қилинганлиги муносабати билан ва «Фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунининг 4-моддаси 14-бандига биноан СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети **қарор қилади:**

1. Чиқарилаётган марказий, Москва шаҳар ва вилоят ижтимоий-сиёсий нашрларининг рўйхати: «Труд», «Рабочая трибуна», «Известия», «Правда», «Красная звезда», «Советская Россия», «Московская правда», «Ленинское знамя», «Сельская жизнь» рўзномалари билан вақтинча чеклаб қўйилсин.

2. Бошқа марказий, Москва шаҳар ва вилоят рўзномаларини ҳамда ижтимоий-сиёсий нашрларни яна чиқара бошлаш масаласи СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг махсус тузилган органи томонидан ҳал этилади.

СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети
1991 йил 19 август.

СЎЗНИ ЖАҲОН БАҲРИДА ДУРДОНА БИЛ

Алишер НАВОИЙ

МУТАФАККИР ШОИРНИНГ «БАҚО ГУЛИ» ҒАЗАЛЛАР КИТОБИ ЎН САККИЗ ТИЛДА БИР МУҚОВА ОСТИДА НАШР ЭТИЛМОҚДА

ЭҲТИРОМ

ХАЗРАТ Алишер Навоий ўз халқини қаттиқ севарди, у бутун умрини ўша буюк севгининг камоли ва жамолига бағишлади. Айни пайтда у том маънода байналмилалчи ҳам эди. Бунга имон келтириш учун «Хамса» достонларида, «Лисонут-тайр»да тимсоллари чизилган турли миллат вакиллари номларини келтириб ўтиш кифоя. Лекин бир нарсага эътибор бериш керакки, шоир ўзга миллат кишилари тимсолини тасвирлаганда ҳам она халқининг ажойиб урф-одатларидан келиб чиқиб, одамгарчилик ва ўзгаларга ҳурмат нуқтаи назаридан ёндошиб иш кўради. Ўзгаларни ҳам ҳурмат қилишни, улар урф-одатларини эъзозлашни, тилни ардоқлашни кўплар Алишер Навоийдан ўргансалар ёмон бўлмасди.

Алишер Навоий мана бугун ҳам турли миллат вакилларини бир жойга жам этди. Шундай замонда бу чиндан ҳам шоёни диққат бир ҳодиса. Бир ой мобайнида Ўзбекистон ёзувчиларининг Дўрмондаги Ижод боғида турли жумҳуриятлардан келган шоиру таржимонлар Алишер Навоий ғазалларини ўз тилларига таржима қилиш билан банд бўлдилар. Шоирнинг шеърлари рус, украин, белорус, қозоқ, озарбайжон, туркман, тожик, қирғиз, бошқирд, татар, чуваш, қорақалпоқ, қримтатар, молдаван, эстон, ёқут ва уйғур тилларида жилвалар кўргизди. «Алишер Навоий асарлари таржимонларининг халқаро ижодий-амалий анжумани» адабиётимизнинг байрамига айланди.

БИЗ бугун таржимонларимиздан айримларининг ижоди билан таништирмоқдамиз. Меҳмонларимизнинг ҳар бири ўз юртларида таниқли. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси таклифига кўра ўз жумҳуриятлари ёзувчилари уюшмалари тавсияси билан Ўзбекистонга келдилар. Украинадан келган Грицько Халимоненко таниқли олим, шоир ва таржимондир, у Киев дорилфунунида шарқ тиллари кафедрасида турк тили ва адабиётидан дарс беради. Унинг турк, (Рашод Нури Гунтекин, «Чолиқуши», «Яшил кеча» асарлари, Азиз Несин «Ҳикоялари», «Турк эртаклари»), гуржи («Гуржи эртаклари», В. Пшавела, «Болалар ҳикоялари ва эртаклари», Т. Чиладзе, «Туш пайти» китоблари), туркман («Туркман эртаклари», Қ. Тангриқулиев, «Шеърлар ва қиссалар»), ўзбек (А. Мухтор, «Саҳро тор») тилларидан қилган таржималари украин ўқувчиларига яхши маълум.

Евгений Миклашевский — Белоруссиядан. У кўпқиррали адибдир. Бир неча шеърий китоблар, шунингдек, «Тўрт йўл», «Кўзи қуриган булоқ» қиссалари, «Максим Богдановичнинг севгиси ва ҳалокати» романи муаллифидир. Унинг таржимасида белорус ўқувчилари Пушкиннинг «Евгений Онегин», рус шериятининг жуда кўп намуналарини ўз тилларида ўқийдилар. Насипбек Айтов — Қозоғистондан. Унинг ниятлари жуда ҳам улкан: у «Хамса»ни тўлиқ қозоқ тилига ағдариб беришни кўнгилга туккан. Ҳозирча «Садди Искандарий» достонини таржима қилди ва бу асар «Искандар қўрғони» номи остида 1989 йилда Олмаотада босилиб чиқди. У ўндан ортиқ шеърий китоблар муаллифидир. Юсуф Ҳасанбек озарбайжонлик, унинг йигирмадан ортиқ шеърий китоблари Боку ва Москвада нашр этилган, кўп шеърлари қўшиқ қилиб айтилади, бу ҳам катта фазилат, чунки ҳамманинг ҳам, баъзан яхши шоирларнинг шеъри ҳам куйланмайди. У таржима билан ҳам шуғулланади, жумладан, тожик, эстон, латиш, гуржи, ўзбек шоирларидан таржималар қилган. Хусусан, Ғайратий ва Ҳусниддин Шариповнинг айрим шеърлари Юсуф Ҳасанбек таржимасида чоп этилган.

Қирғизистонлик Суярқул Турғунбоев ўндан ортиқ шеърий китоб муаллифи, қирғиз тилига М. Лермонтов, Бердақ, Залилий ва П. Бровка шеърларини таржима қилган. Семён Руфов — Ёқутистон фарзанди, таниқли шоир ва таржимон, публицист. У ёқут тилига Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони, Шекспирнинг сонетларини таржима қилган. Назри Яздоний — таниқли тожик шоири ва таржимони. Тожик ўқувчилари Байрон, Маяковский ва Бсису шеърларини унинг таржимасида ўқийдилар. Белоруссиялик Василь Жукович ўндан ортиқ шеърий китоб нашр қилдирган, таржима билан астойдил шуғулланадиган шоирлардан. Махтумқули, Ҳамза, шунингдек, туркман, литва, украин ва гуржи шоирларининг айрим шеърлари белорус ўқувчиларига унинг таржимасида маълумдир. У ҳозир Алишер Навоийнинг белорус тилидаги «Лирика» китоби устида иш олиб бормоқда. Чуваш шоири Василий Эктель ва татар шоири Рқоил Зайдуллалар ҳам ўз юртларида таниқли ижодкорлардан саналадилар.

Шарапатдин Аяпов Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллиётида таҳсил олган. «Қуш йўли» (1985), «Ёшликнинг ҳар дами» (1988), «Лирика» (1990) шеърий китоблари муалифи, Қорақалпоғистон Ленин комсомоли мукофоти соҳиби. Айни пайтда «Қорақалпоғистон» нашриёти бош муҳаррири.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ижодий-амалий анжуманимизнинг иштирокчилари истеъдодли қалам соҳибларидир.

АЛИШЕР Навоийнинг ўн саккиз тилда тайёрланаётган «Бақо гули» китобига «Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим» номли бир ажойиб ғазали киритилган. Дарвоқе, бу китоб ўн ғазалдан иборат бўлиб, турли тилларда бир муқова остида нашр этилади. Таржимонлар аслият билан бирга рус тилига тагламадан ҳам фойдаландилар, тагламани навоийшунос олима Раъно Қобулова бажарди. Совға китобни Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти чоп этмоқда.

Хуллас, юқоридаги ғазалда шоир, инсоннинг бир умри давомида дўст, ёр, яъни ҳақ топа олиши мушкул эканлигини ёзади, шундай дўст топмоқ учун умр етмайди, дейди. Жаҳонларга кўз-кўз қила оладиган адабиётимизга садоқатли дўстлар, фидойилар керак. Токи, дўстларимиз жаҳоннинг ҳамма жойида адабиётимизнинг самимий элчилари бўлсинлар, куйиб-ёнсинлар. Бунинг учун аввало ўзимиз куйиб-ёнишимиз, фидойилик кўрсатишимиз керак.

Муҳаммад АЛИ,
Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Бадиий таржима ва адабий алоқалар маркази раиси.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги уйида шу йил бошида туширилган ушбу суратда сўз мулкининг султони Алишер Навоий асарларини ўз она тилларига таржима қилишга келган қардош шоирлардан бир гуруҳини кўриб турибсиз. Биринчи қаторда (чапдан ўнгга): Муҳаммад Али, Евгений Миклашевский (Белоруссия), Насипбек Айтов (Қозоғистон), Суярқул Турғунбоев (Қирғизистон), иккинчи қаторда— (чапдан) Назри Яздоний (Тожикистон), Рқоил Зайдулла (Татаристон), Раис Тулақов (Бошқирдистон), Василий Эктель (Чувашистон), Семен Руфов (Ёқутистон), Василь Жукович (Белоруссия).

И. ДЕНИКАЕВ олган сурат.

Навоий таржимонлари ижодидан

Евгений МИКЛАШЕВСКИЙ
(Белоруссия)

ҲАЗИЛ ЭЛЕГИЯ

Кам-кам ўчар сочларнинг ҳам қароси,
Эс ҳам кетиб, қолдирмоқда армонда.
Сустлашгандай қушлар саси ўрмонда,
Пасаймоқда жўшқин ҳислар садоси.
Боларидай учмас энди орзу ҳам,
Фақат тиним билмас шундай бир истак:
Ором истар, ором истайди юрак!
Кўнгил дейди, беҳуд бўлсам, тин олсам!
Ўтди-кетди рўёларнинг замони!
Бир пайтлар коинотда елардим...
Энди ерга ожиз қушдай қуладим,

Нарх урмоққа қолмай зарра дармоним...
Фақат битта хоҳиш! Тағин биргина!
Биттадан-да энди қолган нидолар:
Истак, фикр, интилишу рўёлар...
Охирида турар қаро ергина...
Бас! Арзимас яшаш — кўнгил ғашларга!
Йўқ... бизларни қўйиб юбормас олам,
Бизлар ўлсак, хафа бўлар Замин ҳам,
Ким ҳам ақл ўргатар сўнг ёшларга!...

Муҳаммад АЛИ таржимаси.

* * *

Василь ЖУКОВИЧ
(Белоруссия)

Қиш тунида табибга чопдим,
Совуқ зулмат тортарди наъра.
Ота, кумуш соқолинг ўпдим,
Сен ётардинг қордай нур тараб..,

Сўнгра юртга келди навбаҳор,
Ҳароратли кунларга етдик,

Оппоқ сочинг мисли сўнгги қор,
Ғам лойига қоришиб кетди.

Қордай эриб кетдинг сен у чоқ,
Мен ҳам бугун эмасман бургут.
Сену менинг сочимдек оппоқ,
Қабринг узра кезадир булут.

Матлуба АЗАМАТОВА таржимаси.

Грицко ХАЛИМОНЕНКО
(УКРАИНА)

ИККИ ШЕЪР

Асл мақсад — от миниб юрмоқ,
Бу кулгули эмас албатта.
Гар чекканга урилса туёқ,
Бундайин дард бўлурми катта!

Лаъли лабдан бўса олдим жим,
Бору йўқ ишқ бўлдими тамом!
Менга тинчлик керакмасмикин
Ушбу бахтли кунларда мудом!

Ёки рақиб қулаб отидан,
Оппоқ қорда чўзилганида,
Милтиқ отмиш кимдир ортимдан,
Мен у томон югурганимда!

* * *

Ҳосил битмай қолган ушбу кун
Ҳар кимса ҳам қолмас қайғуда.
Ўз-ўзимдан сўрайман нигун:
«Не элтаман сенга қалбимда!»

Аравалар юз йил юрмаган
Йўлдан ўтдинг асло қўрқмайин.
Шаффоф кўз ёш тўкар экансан,
Ток занглари титради ғамгин.

Сен дедингким: «Биламан барин».
Қанотларин йиғиб шу онда,
Тарк этишиб тунд осмон бағрин,
Кўз қушлари тушди ўрмонга.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси.

Насипбек АЙТОВ
(Қозоғистон)

ҚОЗОҒИСТОНИМ

Маконим, юртим — о, онам,
Оқ сутинг кетмас танглайдан.
Майсалар кифтим қучган дам
Офтобинг суяр манглайдан.

Сени алқамас қандай жон,
Қилмаса тавоф—у бир тош.
Ҳар гал сафардан қайтган он
Мижжамга менинг қалқир ёш.

Ичиккан кўнгил сарсари —
Хавотир-ғамда тебраниб,
Чайқалган булут сингари
Келаман сенга эмраниб.

Оралаб кўрдик ер юзин,
Кўп экан юртлар—чаманлар.
Баридан азиз сен ўзинг,
Унниқар ўзга ватанлар.

Чин иқбол не деб сўрсалар,
О, сенсан, дейман мен
мағрур.
Тушимда кўриб тонг-саҳар,
Туяман ажиб тот-ҳузур.

Борки ҳислларим ёнмоғи —
Токай томирим қотмас муз,
Ҳилпираб турган байроғинг
Нурига ҳар тонг чайгум юз.

Юксалса кўкка лочин қуш,
Қанотин қоқса виқорли —
Ёғдириб сенга минг олқиш,
Чўққига бориб қўнар у.

Дунёни кўрар кўзимсан,
Юксалар дилда шуурим.
Осмонга учсам, ўзингсан —
Айланиб топар, туғирим[1]

Ошганда не-не тоғ-қирдан,
Ўзингсан дилга солганим.
Берганим айтиб лоф урмам,
Чексиздир сендан олганим.

Ҳаётда кўпдир жилғалар,
Кўпирар-тошар ўзаним,
Ўзинггагина аталар
Бор бўлса асл ўланим.

Бошингга тоғдек ғам-қадар
Ногаҳон кулфат тушган он
Қудратин сенга бахш этар
Жисмимда сўнгги томчи қон

Шукуҳинг дилдан аритма,
Яшнаган хуррам бўстоним!
Ўзингни ёвга хор этма,
Аёвлим, Қозоғистоним.

Мирпўлат МИРЗО таржимаси.

1—Бургут қўнадиган тахт, махсус курсича.

Суярқул ТУРҒУНБОЕВ
(Қирғизистон)

ТЕРАГИМ, СЕНГА АЙТСАМ...

Йўл бўйида ўсиб турган, эгри терак,
Қиғир дунё кечмишин этдирдинг ҳис,
Сенга айтсам:
Ёралганда боқиб сергак,
Ўсмоқ ният қилгандирсан тўғри-текис.
Тириклиқнинг шамоллари ниҳол чоғинг
Эгилтириб,
Чамаси, кўп қийнаб қўйган.
Эмин-эркин ўсишингга
Йўл бермайин,
Сўқир дунё
Дастидан кўп бағринг куйган,
Ё қутирган бирор тана
Ямлаб кетган.
Хуллас,
Сени ўз эркингга қўйишмасдан,
Кўпайишиб
Тўғри танинг эгри этган:
Ва ё балки
Тупинг ўзи бўлган ноқис!
Яралганда тўғримидинг,
Айтчи, терак!
Балки, энди ўсмоқчисан тўғри-текис,
Қанот ёйса
Томирларинг олис, теран...
Баргинг секин шовуллаши мафтун этган,
Англолмайман,
Аммо унда қандайин сир!
...Бу сирингни елдай елиб ерга кетган
Бирор банданг билолмагай,
Билолмасдир.

Матлуба АЗАМАТОВА таржимаси.

Семён РУФОВ
(Ёқутистон)

ИШОНЧЛАРНИ ОҚЛАСАМ

Музқаймоқ сотувчидан
Сўрадим: Айтинг, хола,
Қайда экан шу дамда
Этик мойловчи бола!

«Пекин»нинг ёнида деб,
Ресторанни кўрсатди,
Ва, ҳойнаҳой у мени
Хитойликка ўхшатди.

Кетарканман поездда,
«Ана корейс!» деди ким.
Сал бўлмаса «Мен—Ёқут!»
Дей дедиму, қолдим жим.

Ўзбеклар ҳам негадир,
Уз тилида сўйлашди.
Қозоқлар шубҳаланмай
Қозоқ дея ўйлашди.

Инсон бўлиш кўп масъул,
Ўзингга аён ҳитоб.
Ёлғиз қолсанг ёт эрда,
Бошда не-не изтироб.

Қани энди ҳар ерда,
Кўрган зотлар ёқласа,
Мени юртдош деб билган
Ишончларни оқласам...

Василий ЭКТЕЛЬ
(Чувашистон)

ТАЙЁРАГОҲ

Эрта тонгдан шомгача ҳайҳот
Бунда шовқин солади ларза.
Инсон қўли яратган қанот
Ғолибона ўрлар ҳар лаҳза.

Инсон қўли яратган қанот
Қушлардан ҳам учадир юксак
Хавф сололмас еру коинот,
Зеро темир — йўқ унда юрак.

Хавф сололмас еру коинот,
У ҳаммани қувлар ҳар томон.
Чуғурлаган ҳар бир учар зот
Бунда сира очмас полопон.

Чуғурлаган ҳар бир учар зот
Истар энди ортга қайтмоқни:
Майсазорда яйраб яна шод,
Уя қуриб, қўшиқ айтмоқни.

Майсазорда яйраб яна шод,
Йиртқичлар ҳам шимаролмас енг.
Фақат ковил кўтариб кушод,
Бетон чойшаб тўшалгандир кенг.

Фақат ковил кўтариб кушод
Фарёд айлар юракни эзиб.
Бу дунёни этгудек барбод,
Мотор доди юрибди кезиб.

Бу дунёни этгудек барбод
Тайёралар урар кўкка тўш.
На тун, на кун шу боис ҳайҳот,
Бу кенг майдон қушларсиз бўм-бўш.

На тун, на кун шу боис ҳайҳот,
Англаб етмас буни кўп инсон:
Олов қусган қушлар безурёт,
Очолмагай асло полопон.

Матлуба АЗАМАТОВА таржималари.

Юсуф ҲАСАНБЕК
(Озарбайжон)

ҚЎЛЛАРИНГ ВА ҚЎЛЛАРИМ

Қўлларинг —
Баайни қизларнинг қўллари:
Пахтадай - юмшоғу енгилдир.
Қўлларинг —
Шабнамдай қизарар,
Шамолдан гезарар.
Шу қадар нозикки қўлларинг,
Енголмас, енгилур.

Менинг-чи, кафтларни қадоқли,
Сиқсам сув томажак
Ҳаттоки қоқ тошдан.
Қўлларинг ёрилган
Аёздан, қуёшдан.

Сиққанда дўст қўлин,
Қўлимдан қалб кўрим
Ўтади дўстимнинг қалбига.

Дўстимнинг қалбида
Қон бўлиб юради.
Қўлларим лой қориб,
Мустаҳкам бинолар қуради.

Қўлларинг муҳрлар босмоқни,
Имзолар чекмоқни билади.
Бир ожиз кимсага бармоқни
Бигиздай ниқмоқни билади.

Лабингга тегиниб қўлларинг,
Ҳавойи бўсалар юборар бир қизга.
Узатсам юлдузлар юртига
Етарлар қўлларим.

Электр симидай ойдан нур
Келтирарлар замин юзига.

Адолат дарахтин шамолдай
Тебратар, силкитар қўлларим.

Меваси пишгани қолару
Дувиллаб тўкилар ғўрлари

Нозикдир сендаги бармоқлар,
Семиздир қўлларинг,
Мослашган санашга пулларни
Мартен деб аталмиш ўчоққа,
Оловлар ичида кирмоққа
Ҳозирдир қўлларим.

Букилиб ўзингдан зўрларга,
Қилганда таъзимлар, саждалар,
Кўксингда қовушар қўлларинг,
Журъатсиз, қўрқоқдир қўлларинг,

Чўнтакка суқилар дам-бадам,
Пул олиб, пул берар чоғларда
Қалтираб, тер босар, бўлар нам.

Менинг-чи, қўлларим
Тайёрдир ҳар бир чоқ
Аблаҳга урмоққа шапалоқ,
Қўлларим — нияти —
Бир яхши сифатни изламоқ.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси.

Назри ЯЗДОНИЙ
(Тожикистон)

ОСМОН, ЭЙ ОСМОН

Осмон, эй осмон, эй осмон,
Оби раҳмат айла бизга армуғон.
Ариқларда оқар сувлар зардобга
, айланди,
Оқовалар тамом мурдор,
бетобга айланди,
Дарё суви харом-харкш,
харобага айланди.

Осмон,
Эй, бизга мангу бошпана,
Чок-чокидан сўкилган нурли макон,
Насибдир шул, ҳар куни бу бедодлик,
Пора-пора айланиш фиръавн
қўли — шаддодлик.
Офтобнинг пок бинафша нурлари
Бул заминга бўлиб нопок томмоқдадир,
Бошин узра даста-даста
Заҳру ғамнок томмоқдадир.

Осмон,
Эй фазо асрин бепаноҳи,
Сенинг жулдур жомангни мен
Ямаб бермоқ истайману
Лек сўзаним йўқ

Ва ушбу кун бирор инсон қўлларида
Пишиқроқ ип кўрганим йўқ.

Бу офатдан баланд қўйиб овозимни,
Чекай десам доду фарёд,
Ҳайҳот ва юз ҳайҳот, ҳайҳот,
Фарёд учун зарра қудрат, имконим йўқ.

Осмон,
Эй, самовий раҳму шафқатга макон,
Раҳму шафқат айла бизга армуғон.
Эй, осмон, ушбу замон
Раҳму шафқат йўқ эркагу аёлда ҳам,
Раҳму шафқат йўқ бизда ҳам,
Йўқ менда ҳам.

Осмон,
Эй, башар аҳлига мушфиқ онажон,
Ушбу кун мотам либосида сен намоён,
Бу либос ранги қуюқдир ҳар қачон,
Фарзандларин ўлдирурлар баъзи қизлар
Она бўлар-бўлмас замон,
Неча қизлар оқпадардир, бу ёмон.

Осмон,
Эй мангу фарёдга макон,
Сенда қолмиш не шарофат ва не шон,
Сен лоақал уларнинг бир қисмини бер,
Бизга қайтар, жонажон.

Осмон,
Эй, осмон, эй, осмон,
Оби раҳмат айла бизга армуғон.
Бул заминни пок айла, осмон.
Жумла одам фарзандларни
Ғуноҳлардан форғ айла, осмон.
Бизга ёмғир — раҳматингдан
Айла эҳсон, осмон.
Тоза бўлсин жумла инсон, одам аҳли,
Бир илоҳий нур таратсин ҳар инсон.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси.

Шарапатдин АЯПОВ
(Қорақалпоғистон)

БЕРДАҚ НИДОСИ

Юзим сарғайгандир, кўнглимда зарда,
Кўзим қорачиғин ғафлат толдирган.
Малҳам бўлолмаса ҳақ сўз Ватанда,
Дўқ урса оғзини тўлдириб ёлғон.
Хонга тортиқ қилинса қиз-жувонлар,
Хуржунга турмаклаб ташланса иқбол,
Имонидан кечса қози-калонлар,
Суғурта қилинса отадан соқол.

Тариқдай сочилса ҳар томонга халқ,
Дарё ўзанидан четга бурилса.
Излаган йўқлиқдан топмайин дарак,
Ҳаётга юзма-юз келиб қолинса —
Ўтмишинг бир дунё — Шажаран турк,
Ҳозирнинг ғирром шоҳ — икки хил ҳаёт.
Бу қандай қисматдир, бу қандай зулук,
Тўғишганлар — ғаним, дўстлар эса — ёт.

Омонгелди, Арслон, эр йигит Ҳасан,
Айдос бобо ўтди, Эрназар шаҳид.
Жабру-жафоларни билмам қанча сон,
Халқим, тақдирингдан бўлма ноумид.
Бахт-иқбол, маърифат дилгири бўлиб
Қўлга қурол эмас, дутор олганман,
Саҳройи кўнглингнинг булбули бўлиб
Нола-нолиш эмас, нағма чалгайман,
Ҳақни айбламоқ-ку гуноҳ саналмас,
Халқни айблаш эса гуноҳи азим.
Бердақ энди Бердимурот бўлолмас,
...Шаъм узра ўртанар ҳануз ғафлат тун.

ўзбекчага ЧОРШАЪМ ўгирган.

Тўртинчи Академик ижодий жамоа

● Жумҳуриятимизда ҳозирга қадар учта Академик ижодий жамоа — Навоий, Ҳамза, Горький номидаги театрлар фаолият кўрсатиб келарди. Яқинда уларнинг сафи яна биттага кўпайди. СССР Маданият вазирлигининг буйруғига биноан Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига Академик унвони берилди.

Эллик йил бурун музика санъатининг чинакам жонкуярлари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати А. Петросянц ва машҳур созанда В. Андреев ташаббуси, ташкилотчилиги билан ўз фаолиятини бошлаган ижодий жамоа бугунги кунда жумҳуриятимиздагина эмас, мамлакатимизда, қолаверса, қатор хорижий элларда ҳам маълум, таниқли. Унинг тароналарини, ижрочилигини халқаро ва Бутуниттифоқ кўрик-танловлари ҳайъати юқори баҳолаган. Оркестр ўзбек анъанавий музика санъатининг нодир намуналари бўлмиш «Тановар», «Гиря», «Ушшоқ», «Муножот», «Чўли ироқ», «Баёт», «Чоргоҳ», «Дилхирож» куйларини ҳамма вақт илҳомбахш, оригинал услублардан ижобий фойдаланиб, энг муҳими, киши дилига яқин қилиб ижро этади.

Ўзбек совет музика санъатининг жуда кўп арбоблари, атоқли композитор ва бастакорлар оркестр учун махсус асарлар ёзиб берганлар. Ижодий жамоанинг шаклланиши ва равнақида ана шу муаллифларнинг ёрдами катта. Улар бугунги кунда ҳам оркестрга ҳамнафас бўлиб, бир-биридан чиройли, мазмунли, завқбахш асарлар ёзиб бермоқдалар.

Оркестр муваффақиятлари ҳақида гапирганда ҳассос найчи Мирза Тойиров, ғижжакчи Шуҳрат Йўлдошев, рубобчи Муҳиддин Отахўжаев, чангчи Тоҳир Собиров, шунингдек, Шуҳрат Зиёев, Ойбек Самадов, Абдуваҳоб Саҳиев, Шукрулло Аҳмаджонов, Илҳом Эртоев каби созандаларнинг номларини алоҳида таъкидлаш керак.

Оркестрнинг кейинги йиллардаги ютуқлари бадиий раҳбар ва бош дирижёр Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фаррух Содиқов номи билан боғлиқдир. Унинг жонкуярлиги ва даъвати туфайли ижодий жамоа репертуарининг бадиий савияси янада юксалди. Музика санъатининг сюитадан симфониягача бўлган деярли барча жанрлари оркестр дастурида баралла янграмоқда. Ижодий жамоа ҳузурида ўсмирлар ва ёшларга аталган лекторий ишлаб турибди.

Академик деган юксак унвон оркестрни янги йирик ижодий изланишларга даъват этишига, санъат мухлисларига яхши таниш, қадрдон бўлган ижодий жамоанинг миллий мусиқа тароналаримизни халқаро саҳналарда ҳам дадил намойиш этаверишига ишонамиз.

Г. КУЗНЕЦОВА,
санъатшунослик номзоди.

● *ОБУНА—92*

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

● УНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧИ 64583 ● ОБУНА БАҲОСИ—БИР ЙИЛГА 25 СЎМ 68 ТИЙИН, 6 ОЙГА 12 СЎМ 84 ТИЙИН

РЎЗНОМА ҲУМОРИМАН

Касбим — бош ҳисобчилик. Лекин бу — уззу-кун чўт ташлаш дегани эмас. Мутахассис сифатида дунё воқеалари, мамлакат ҳаёт тарзи, жумҳурият иқтисодий-сиёсий вазиятидан бохабар бўлиб туриш — кундалик одатим.

Шу одатга кўра эсимни таниб, оила қурибманки, «Совет Ўзбекистони» рўзномасига муттасил ёзиламан. Унинг саҳифаларига эрталаб бир назар ташлаб чиқсам, кечқурун уйда ўзимни қизиқтирган мақола-хабарларни синчиклаб ўқийман, мулоҳаза қиламан. Янгиликлар мени ҳушёр торттиради, тетиклантиради, фикран бойийман.

Бирон кун уйимизга почтальон келмаса, кечгача ўзимни аллақандай нотўкис ҳис қиламан, бир нимасини йўқотган одамдай юраман. Буни хумор дейдилар. Рўзноманинг ҳумори ёмон бўлади, маънан қашшоқ сезарсан ўзингни. **Шунинг учун 1992 йил учун обуна бошланиши биланоқ 25 сўм 68 тийин тўлаб, бир йилга ёзилиб қўя қолдим. Тўғри, бултургидан сал қимматроқ. Лекин 10 тийин деганн ҳозирги шароитда нима деган гап. Дўкондан рўзномани 15 тийинга сотиб олгандан кўра, 10 тийинга ҳар куни уйингга келтириб беришгани яхши эмасми!**

Қолаверса, кишининг маънавий, мафкуравий дунёсини бойитадиган, сиёсий жиҳатдан чиниқтирадиган оммавий ахборот воситасига нисбатан маблағ аяш инсофдан эмас. Бир мен эмас, бу мулоҳазанинг жамоамиздаги барча дўстларим ҳам таъкидлашмоқда. Шунинг учун ҳунар-техника билим юртимиз меҳнат жамоаси аъзоларидан А. Исоқов, А. Ғуломов, М. Ҳакимов, Н. Эшонқулов, С. Останақулов, С. Худойбердиев каби 12 киши биринчи бўлиб «Совет Ўзбекистони»га ёзилдик. Яна 18 ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими усталари, ишчи-хизматчи навбатдаги маоши ҳисобидан шу рўзномага ёзилишга аҳд қилди.

Каримжон БОТИРОВ,
Фарғона вилояти Ўзбекистон райони Хотамтой қишлоғидаги 34-ҳунар-техника билим юрти бош ҳисобчиси.

Республикамиздаги энг ёш ойнома — «Диалог» чиқаётганига ҳали бир йилча ҳам бўлгани йўқ, шу боис у тўла-тўкис ўз қиёфасига эга эмас. Қолаверса, баъзи сабабларга кўра, ушбу ойноманинг келгуси йилдан номи, ҳажми, мақоми ҳам ўзгаради. Рўзномамиз махсус мухбири А. РЎЗИЕВ ойнома бош муҳаррири А. Т. САВЧЕНКО билан суҳбатлашиб, унга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди.

Номи ўзгарса ҳам

ИЛГАРИГИДЕК ҲАММА ҚИЗИҚИБ ЎҚИЙДИГАН ОЙНОМА БЎЛИБ ҚОЛАДИ

— Янги ойноманинг номи ўзгариши боиси нима? «Диалог» эндигина ўз муштарийсига эга бўлаётган эди-ку?

— «Диалог» номининг ўзгаришига сабаб шу номда марказий ойнома ҳам борлигидир. Эгизакларни бир-биридан фарқлаш қийин бўлганидек, алоқа ва почта бўлимларида бир номдаги ойномаларни саралаш, обуначига етказишда жиддий қийинчиликларга, англашилмовчиликларга дуч келиняпти. Шу боис республикамизда нашр этилаётган «Диалог» ойномасининг номини ўзгартиришга қарор қилинди. Обуначилар ва муштарийлар манфаатларини ҳисобга олиб келгуси йилдан бошлаб ойнома «Позиция» номи билан чиқа бошлайди.

— Унинг асли номи ўзгариши ойноманинг сиёсий мавқеи, ғоявий ва маънавий йўналишида ҳам ўзгариш ясайдими?

— Бу саволга бир пайтда ҳа ва йўқ, деб жавоб бериш мумкин. Агар эсласангиз таҳририят ойноманинг биринчи сонида эълон қилган «Мулоқот: фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик сари йўл» номли мақола сарлавҳасини ўз шиори деб эълон қилганди. Жамоамиз ижодий фаолиятида шу шиорга содиқлигини намойиш этмоқда.

Биз муштарийларнинг «Диалог» саҳифаларида жумҳуриятимиздаги барча сиёсий ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ҳаракатлар билан очиқ, ўткир мунозарали мақолалар берилишини кутаётганини яхши биламиз. Ойнома биринчи сонидаги таҳририят мақоласида одамларни тўлқинлантираётган барча муаммолар бўйича кенг мулоқот олиб бориш билдирилган эди ва ҳозир ҳам буни тасдиқлайпмиз. Лекин бу мулоқот тангликдан қутилиш йўлини топишга, умумий фаровонлик учун ижтимоий аҳволи, миллати ва қарашлари турлича бўлган одамларни бирлаштиришга, кучларни жипслаштириш сари йўналтирилган бўлиши лозим. Янги номдаги нашрнинг ўрни ва роли ҳам аниқ. Зеро, таҳририят ойнома саҳифаларида турли фикр-мулоҳаза ва нуқтаи назарларга ўрин бераётиб, кўтарилаётган барча муаммолар бўйича ўз мавқеини ҳам изчил белгилаб боради, жамоатчилик турмуши талабларидан бири ҳам шундай. Ойноманинг бош мақсади, ўзига хос ўта мураккаб вазифаси — бу фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликка фаол кўмаклашишдир.

Ойноманинг мақоми ҳам ўзгариб, у «Человек и политика» ойномасига мустақил илова сифатида чиқа бошлайди. Бир ойноманинг иккинчисига илова сифатида чиқиши эса матбуот тарихида ҳали бўлган эмас. Маълумки, «Человек и политика», «Мулоқот», «Диалог» кўп жиҳатдан бир хилдаги ойномалардир. Биринчиси назарий ва ижтимоий-сиёсий, қолган иккиси эса ижтимоий-сиёсий ва публицистик нашрдир. Уларнинг ҳаммаси айнан бир хил муаммоларни кўтариш, воқеаларни бир мавқедан ёритиш билан бирга маълум муаллифларни чоп этарди. Бундан ташқари қоғоз тақчиллиги, унинг қимматлашуви, босмахона ва алоқа харажатларининг ошаётганлиги ҳамда таъсисчи ва ноширнинг мураккаб молиявий аҳволи тежамкор бўлишни тақозо этаётир. Шу нуқтан назардан мавзу ва мавқеи бир-бирига яқин нашрлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари ҳар бир ойнома ўзи ёритадиган муаммолар доирасини аввалдан белгилаб олади. Натижада қайтариқларга чек қўйилади, нашрлар янада мазмунли ва қизиқарли чиқади.

СПОРТ

«ПАХТАКОР»НИНГ ЯНГИ ҲОМИЙСИ

Жумҳуриятимизнинг бош жамоаси — «Пахтакор» футболчиларининг янги ҳомийси пайдо бўлди. Келгуси мавсумда Германиянинг «Колортехник» фирмаси ана шу вазифани ўз зиммасига олади. Ўзбекистон спорт давлат қўмитаси раиси О. Назиров ва фирманинг президенти Л. Хардт томонидан имзоланган шартномага кўра, хўжалик ҳисобидаги футбол жамоаси ва фирма бундан буён ҳамкорлик қила бошлайди.

Яқинда Ўзбекистонда Франкфурт-майндаги бу корхонанинг филиали иш бошлаганди. Фирма асосан қурилиш ишлари билан, соғлиқни сақлаш ва бошқа ишлар билан шуғулланади.

Имзоланган шартномага биноан Германия фирмаси «Пахтакор» футболчиларини спорт кийимлари, асбоб-анжомлар ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлашдаги молиявий иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради. Фирма бундан ташқари спортчиларимизнинг ўқув-машқ йиғинларини ўтказишларида, Ўзбекистонда ва Германияда халқаро ўртоқлик учрашувларини ташкил қилишда ёрдам бериш мажбуриятини олди.

«Пахтакор»нинг кўп минг кишилик мухлислари янги мавсумда ўз футболчиларини «Колортехник» деб ёзилган чиройли футболкаларда майдонда чиқишларини кўрадилар. Футболчиларимиз ана шу кийимда СССР чемпионатининг барча учрашувларида ва халқаро турнирларда қатнашадилар. Бундан ташқари немис фирмасининг номи ёзилган лавҳа пахтакор стадионига ўрнатилади.

УНИВЕРСИАДАДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг талабалари Литванинг Тракай кўлида ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Улар 16 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга киритишди. Бу — беллашувларда қатнашган 25 та талабалар жамоалари ўртасидаги энг яхши кўрсаткичдир. Тошкентлик байдаркачи Иван Киреев тўртта медалга сазовор бўлди. Андрей Колганов эса икки бор олтин медаль олди. А. Богомазов — А. Колганов экипажи эса бир километрлик масофада олтин медалга сазовор бўлди.

ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

Совет Армияси ва СССР Ҳарбий-денгиз флотининг замонавий бешкураш бўйича ўтказилган биринчилигида кучли спортчилар тўпланишди. Бунда тошкентлик армиячи Борис Русанов 5584 очко жамғариб, маҳорат кўрсатди. У бешкураш доирасидаги барча мусобақаларда эпчил эканлигини намойиш этди. Чавандозлик, енгил атлетика кроси, сузиш, тўппончадан отиш, қиличбозлик сингари турларда илдамликни ҳеч кимга бермади.

Туркистон ҳарбий округининг бошқа вакиллари ҳам яхши иштирок этишди. Масалан, тошкентлик Эдгем Яруллин пешқадамдан бор-йўғи 60 очко камроқ жамғариб, иккинчи ўринга сазовор бўлди. Бишкеклик Игорь Фельдманга учинчи ўрин насиб этди. Болтиқ флоти ва Белоруссия ҳарбий округи вакиллари кейинги ўринларни ишғол этишди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ НИШОНДОРИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ТАЙЁРЛАШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ БЎЛИМИГА
(тайёрлов бўлими)
1991-1992 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ТАЙЁРЛАШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ БЎЛИМИГА:

— камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган, халқ хўжалиги барча тармоқларининг илғор ишчилари ва колхозчилари ўзлари ишлайдиган корхона, ташкилот, муассасаларнинг йўлланмаси, СССР Қуролли Кучлари сафида хизматини ўтаб қайтган ва олий маълумотга эга бўлмаганлар ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан қабул қилинади.

Олий ўқув юртини тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига кирувчилар йўлланма берган корхона, ташкилот, муассасаларда охирги бир йил давомида узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига олий билимгоҳнинг барча куллиётларига физика, математика фанларидан, кимё-технология куллиётига эса кимё ва математика фанларидан суҳбат натижаларига қараб қабул қилинадилар.

Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимини муваффақиятли тугатганлар битириш имтиҳонларида олган баҳоларига асосан умумий конкурсда қатнашадилар. Конкурсдан ўтганлар олий билимгоҳ кундузги ва кечки бўлимларининг 1-курсига талабаликка қабул қилинадилар.

Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: олий билимгоҳ ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусха), ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, 3х4 см. катталикдаги 8 дона сурат.

Паспорт ва ҳарбий мажбуриятга оид ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Кундузги бўлимга ҳужжатлар қабул қилиш 1 октябрдан 10 ноябргача, суҳбатлар 15 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.
Ўқиш муддати — 8 ой.

Кечки бўлимга ҳужжатлар 20 сентябргача қабул қилинади.

Кирувчилар билан суҳбат 20 сентябрдан 25 сентябргача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Ўқиш муддати — 10 ой.

Кирувчилар суҳбатдан ўтишларидан олдин математика, физика, ва кимё фанларидан консультация олишлари мумкин.

Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига ушбу олий ўқув юртини кундузги (қабул комиссиясининг қарори билан, шунингдек, кечки ва сиртқи) бўлимига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган, лекин конкурсдан ўтолмаганлар, мутахассис тайёрлаш юзасидан олий ўқув юрти, тингловчи ва корхоналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномага биноан шу корхона, ташкилот, муассасалардан юборилган ёшлар суҳбатсиз қабул қилинадилар. (Ўспиринлар ҳарбий хизматини ўтаган бўлишлари керак).

Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига киришни ҳоҳловчилар қуйидаги манзилларга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри — 100 (кундузги ва кечки бўлим), **Абдуллаев кўчаси, 7-уй, телефон 53-11-93.**

Андижон шаҳри — 710019 (кечки бўлим), **Бобур шоҳкўчаси, 39а уй, телефон 59-60-2.**

Наманган шаҳри — 716027 (кечки бўлим), **Косонсой кўчаси, 7-уй.**

КОРХОНАЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

„ЭЛЕКТРОНИКА"

Киевдаги «ЭЛЕКТРОНМАШ» бирлашмасида ишлаб чиқарилган
«ПОИСК» ўқув-машқ комплексини
нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

«ПОИСК» ЎҚУВ-МАШҚ КОМПЛЕКСИ — бу 1ВМ РС билан программавий мувофиқлаштириш бўлиб, у сизга амалда мавжуд бўлган катта программавий таъминотдан кенгроқ фойдаланиш имкониятини беради.

«ПОИСК» ЎҚУВ-МАШҚ КОМПЛЕКСИДАН олий илмгоҳлар, билим юртлари, мактаблар, курсларда ҳайдовчилар ва ҳоказоларни гуруҳли ўқитиш системасида фойдаланилади.

Баҳоси — 1550 сўм.

«ПОИСК» ОЗУси — 128 кбайт, ОЗУ кенгайтиргичи — 256.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38 уй.

Туташма телефон 33-68-60.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР
ДИҚҚАТИГА!

ИНВАРИАНТ» Совет-Америка қўшма корхонаси кенг доирадаги қуйидаги хизматларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

муҳр ва штамплар, фирма қоғозлари, турли-туман ташриф карточкаларини, чунончи рангли, тилла ҳарф ва нақшлар ишланган ташриф карточкаларини ўз рамзингиз туширилган совға буюмларини тайёрлаш, шунингдек терига чоп этиш.

Буюртмалар қисқа муддат ичида юқори сифатли қилиб тайёрлаб берилади.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишларингизни сўраймиз:
700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 15/2-уй.

Маълумотлар учун телефон: 45-98-16.

Буюртмалар қабул қилинадиган кунлар — душанба, чоршанба, жума, соат 10. дан 14.00 гача.

«ИНВАРИАНТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ СИЗЛАРНИ КУТАДИ.

• АХБОРОТ •

МАҲСУЛОТ КЎПАЙМОҚДА

● Зарафшон олтин саралаш заводининг меҳнат жамоаси тилла ва кумуш ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажармоқда.

Дастлабки ярим йилда тилла ишлаб чиқариш режаси 100,2, кумуш 113,5 фоиз бажарилди. Маҳсулот таннархи 1,1 фоиз камайтирилди. Эришилган муваффақиятларга М. Романенко, В. Кузнецов, А. Пляскин бошлиқ жамоа тиллакорлари баракали ҳисса қўшишмоқда.

Дарвоқе, Бухорода тилла ва кумушдан заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

«ЯЛЛАМА ЁРИМ»

● Бухородаги С. Айний номли музикали драма ва комедия театрида маҳаллий ёзувчи Баҳшулла Ражабовнинг «Яллама ёрим» комедияси премьераси бўлиб ўтди.

Уни ёш режиссёр Анвар Азимов саҳнага қўйди. Янги саҳна асарида жамиятимизнинг иллатлари аччиқ кулги остига олинган.

СОВХОЗНИНГ КОНСЕРВА ЦЕХИ

● Бухоро районининг «Янги турмуш» жамоа хўжалигида консерва цехи маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.

Унинг йиллик қуввати 3 миллион дона шартли банкадир. Янги цех маҳсулотлари турли минтақалар меҳнаткашларига жўнатилмоқда.

БАХШИЛАР КУРИГИ

● Томди район маданият уйида қозоқ баҳшиларининг анъанавий беллашуви бўлди. Бу сафар у Орол денгизи муаммосига бағишланди.

Беллашувда ўзбекистонлик ва қозоғистонлик баҳшилардан Аширмат Мусаев, Оқбой Танбалдиев, Абилда Қурбонбоев, Михелбой Баишев, Рисебой Дуйсенбоев иштирок этишди. Томдиликлар халқ оқинларининг Орол денгизи ўтмиши, шу куни ва келажаги тўғрисидаги айтишувларини қизиқиш билан эшитишди.

Беллашувдан тушган маблағлар баҳшиларнинг қарори билан Оролни қутқариш фонди ҳисобига ўтказилди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат қилиш бўйича «Узсельхозхимия» республика ишлаб чиқариш илмий бирлашмаси шу бирлашманинг агрокимёвий хизмат қилиш бошқармасининг бошлиғи Қ. Қурбонбоевга онаси

Болди ҚУРБОНБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелефильм» студиясининг жамоаси студия ходими М. Алимовга отаси

Саидакбар АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими, — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5811.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 23.00

№ 160.

● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12